

МИЛЛИЙ ХАВСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

*Мавлонова Зулфизар Фахридиновна
Бухоро вилояти*

Аннотация: Мазкур мақолада коррупция - мамлакат ва жамият тараққиётига рахна соловчи иллат эканлиги тўғрисидаги фикрлар жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада дунёдаги барча мамлакатлар тараққиётига салбий таъсир этаётган иллатлардан бири сифатида демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиши инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши борасидаги фикрлар ёритилган.

Калим сўзлар: коррупция, ривожланиши, ҳуқуқ, порахўрлик, тарих, мансабдор шахс, фуқаро.

- Жон ака, тўртинчи бор келаяпман, шу биргина ҳужжатга имзоингиз керак! Кўриб турибсиз, узоқ қишлоқдан қатнайман!

Мансаб курсисида туриб, кўзойнаги остидан истар-истамас қўлтиқ ҳассасига таяниб турган кимсага кўз қирини ташлаган Нозим Нозимович:

- Бўйти, вақтимни олманг! Беринг ҳужжатингизни!-дейди-да бу кекса чўлоқ чолдан ҳемириям чиқмаслигини кўнглидан ўтказади ва лаб буриб, пичиннамо сўз қотади, - ишларингизни тўғрилаб олишини биласизлар? У ёги билан ишларингиз йўқ (пулга шама қиласди у).

Неча кундан бўён овораю-сарсон бўлиб юрган чол:

- Э-э, шуни олдинроқ шип-шип қўймасанларми, болам,- дея чакмони чўнтагини титкилаб, “атагани”ни чиқаради.
- Қўйсангиз-чи, отахон, мана, ишингиз битди, а майли, қўймадингиз-да, кексаларнинг атагани баракали бўлади, - дейдию, ҳеч иккиланмай, чолнинг қўлидаги “атама”ни олиб, жсовони тортмасига ташлаб қўяди...

Жамият ҳаётида учраб турадиган коррупция, яъни порахўрлик иллатларига кўз юмиб ўтолмаймиз. Ўзи иситмалаб, ёниб бораётган жонимиздан оғриқ ўтиб турса-да, бизни “бир кўриб қўйган” шифокор чўнтаигига “кўл ҳақи”ни солиб қўямиз. Боғчага қатнаётган болага тарбиячи опаси яхшироқ эътибор қаратсин учун ширинликлар ҳадя қиламиз, байрамлар баҳонасида совғасалом жўнатамиз. Гоҳида ул-бул ишимиз битмай қолса, жиғибийрон бўлиб, “Э-э, кутиб туравераманми?” - дея “хизмат ҳақи” билан хурсанд қилиб, ишимизни бироз осонлаштиргандек бўламиз. Афсуски, бу ҳатти-ҳаракатлар орқали бошқаларнинг ҳам жиноятни тақрорлашига йўл очиб қўйганимизни ўзимиз ҳис қилгимиз келмайди. “Нафси ҳакалак оттур шунча пул олди-я, ёки шунча пул сўрашдан тап тортмади-я!” - деймизу, аслида, унинг танобини тортиб қўйиш кераклиги ҳақида ўйламаймиз.

Коррупциянинг шунча кўринишларини санаб ўтдик. Боланинг боғчага боришидан тортиб, катталарнинг иши “битиши”гача, юмушни осонлаштирувчи “олди-берди”ларга порахўрлик аралашади. Баъзан буни “Ишнинг кўзини билиш” ҳам дейишади. Хўш, коррупция бу ўзи нима? Унинг таърифи ва атамаси қандай? Аввало, халқ тилида оддий қилиб таърифланадиган бўлса, Коррупция – узоқни кўзлаб амалга оширилаётган барча ислоҳотлар илдизига урилаётган



болтадир. Уни күз күрганда нигоҳ хиралашади, қулоқ эшитганда виждон кар бўлади, чап қўл “мукофотланганда” ўнг кўл куллуқ қиласди.

Расман таърифланадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий сайтида [ёзилишича](#), «Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда, ғайриконуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир». Коррупция бирор мансабдор шахснинг қонунчилик ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар мақсадида фойда олишидир.

Бугунги кунда атама энг биринчи навбатда ва энг кўп жамиятнинг юқори қатламига нисбатан қўлланилади. Коррупцияга қарши курашиш ҳам шу қатламдан бошланади. Ваҳоланки коррупция юқорида айтганимиздек, боғча боласининг ҳаётига ҳам аралашиб улгурган. Ҳатто мактабда айрим ўқитувчилар орасида “яхшироқ”совға берган ўқувчини алоҳида эътибор остига олганлари ҳам учрайди. Илм - пулга сотилмайди, дейишадио аммо, “қаловини топганлар”олиийгоҳга кириш учун бўш каллани икки кунда тўлдириб олишадио талабага айланишиди. Сессияни билими бор ҳам, билими йўқ ҳам 4-5 баҳога ёпиш “чорасини уddyалайди”. Демак, жамиятнинг сиёсий қатламини кимлар ташкил қиласди? Албатта, боғчада коррупцияни жиноят деб эмас, “чора” деб ўсаётганлар! Бориб-бориб юқори ва сиёсий қатламни ана шулар ташкил қиласди. Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ана шу ҳодиса яшаб турган жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади. Кўриниб турибди, бу жиноят тушунчасини аввало, болага англашиб бориши керак.

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда-жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиқсан деб таҳмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўлиги қаттиқ ташвишга солғанилиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёning етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўлиги қаттиқ қораланди. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма. Чунки совға кўрни қўрадиган қиласди ва ҳақиқатни ўзгартиради”, дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар”, дейилган.

Замонавий коррупция тушунчаси 15-16 асрларга бориб тақалади. Бу вақтларда Н. Макивелли ўзининг “Давлат” деб номланувчи асарида коррупцияни нафақат жамиятнинг хасталигига тенглаштиради балки, инсон организмининг энг оғир касалликларидан бири саналган сил касаллигига таққослади. “Сил касаллиги организмда пайдо бўлаётганда уни аниқлаш қийин, лекин даволаш осон. Агарда эътиборсиз қолдирилса, аниқлаш осону даволаш қийин, - дейди у ўз асарида, - коррупцияни бошланишидан “даволаш керак”.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Романовлар сулоласи ҳукмронлиги даврида коррупция кичик ҳукумат ходимлари ва амалдорлар учун муҳим даромад манбаи бўлган. Масалан, Елизаветтанинг вазири Бестюжев-Рюмин Россия империясига хизмат кўрматиш учун йилига 7 минг рубл шунингдек, Британия тожига хизмат кўрсатиш учун эса (“таъсир агенти” сифатида)- 12 минг рубл олган.

Коррупция – бу қадимий ва халқаро муаммо. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади. Сиёсий



тузилиши ва сиёсий ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатлар учун умумий бўлиб, фақат кўлами билан фарқ қиласди. Қўйида коррупцияга олиб келувчи омиллардан бир нечтасини санаб ўтсам:

- Истиқомат қилаётган аҳолининг коррупцияга нисбатан бардошлилиги ва иродаси;
- Фуқароларнинг хукуқий онги заифлиги;
- Мансабдор шахснинг ўз олдига қўйилган савонни ва муҳим масаланинг ечимини қидиришда ҳам ижобий, ҳам салбий томонини кўра олиш савияси мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- Фуқаронинг мансабдор шахс билан гаплашаётганда психологик ишончсизлиги;
- Мансабдор шахс устидан бошқарув назоратининг суст ўрнатилганлиги ёки назоратнинг умуман йўқлиги ва ҳ.к.

Коррупция дунёning барча давлатларга хос ва ҳамма даврларда мавжуд бўлган. У аксарият ҳолларда, ижтимоий бошқарув тизимида яққол кўзга ташланади. Баъзан шу даражага етадики, коррупция ва унинг турли кўринишлари муносабатларнинг бошқарилишга ҳам сабаб бўлади. Шу билан бирга, давлат ҳокимиятини заифлаштиради. Коррупциянинг бу ҳатти-харакатлари хукуқий ҳокимият эгаларини унга қарши туришга ундейди. Коррупциянинг бу ўта кескин шаклига қарши туриш ижтимоий бошқарув тизимида барқарор ривожланишнинг энг муҳим йўналишига айланмоқда. Давлат ва жамият объектив ҳамда субъектив хусусиятдаги кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда, коррупцияга қарши воситаларни шакллантиради ва уларни ҳукуматнинг турли даражаларида – минтақавий ва маҳаллий даражаларида синааб кўради. Коррупцияга қарши курашиш учун бутун дунёда турли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2004-йилдан буён 9-декабр санаси “Халқаро коррупцияга қарши кураш куни” сифатида ўтказилади (*БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган (2003 йил 21 ноябр, № A/RES/58/4-сонли резолюция)*).

Бош Ассамблея резолюциясида айтилишича, ушбу халқаро кунни белгилашдан мақсад, коррупция муаммолини тубдан тушуниш ва Конвенциянинг коррупция билан курашиш ва уни олдини олиш борасидаги аҳамиятидир. Резолюцияда ушбу кунни кенг нишонлаш, маълум тадбирларни ўтказишга даъват қилиш ҳолатлари деярли йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички Комиссия тузилган ҳамда Комиссия Регламенти тасдиқланган. Регламентга асосан, Комиссиянинг асосий вазифалари, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Кўмитанинг таркибий тузилмалари ва тегишли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги белгиланган.

Бироқ, сўнгги йилларда порахўрлик - сезиларли даражада камаймоқда. Жумладан, Бухоро вилоят ИИБ ахборот хизмати маълумотига кўра биргина Бухоро вилояти бўйича жорий йилнинг шу кунига қадар мансабдор шахслар ўртасида коррупцион ҳолатлар сони 10 донага етган. Бу эса ўтган 2019 йилга нисбатан 20% кам дегани. Хулоса қилинадик, коррупция “ботқоғи”даги соҳалар “тозаланмоқда”. Коррупцияга қарши курашиш – миллий хавсизликнинг муҳим гаровидир.

Қўйида коррупцияни олдини олишнинг бир қанча самарали йўлларини келтириб ўтсам:

- Биринчидан, иқтисодий фаровонлик даражаси (аҳоли жон бошига ЯИМ) қанчалик юқори бўлса, мансабдор шахсларнинг ноқонуний фойда олиш усувлари, коррупцияга қарши курашиш чораларига талабчанлик шунчалик ошади;
- Иккинчидан, демократия қанчалик ривожланган бўлса, мансабдор шахснинг ўз ўрнини йўқотиш хавфи шу қадар катта бўлади. Қолаверса, коррупцияга қарши курашища ҳокимият органлари имкониятлари янада кўп бўлади;



- Учинчидан, суд-хуқук тизимининг кенгайиши ҳам коррупция жараёнларининг кенгайишига тўсқинлик қиласди;
- Тўртингидан, бюрократия қанчалик катта ва мураккаб бўлса, коррупция учун имкониятлар шунчалик очилади. Қолаверса, йиллар давомида бу жараённинг ўсиши, давлатнинг марказлашувида муҳим рол ўйнайди: энг марказлашган империялардан Рим ва Византия империяларидағи каби коррупция тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етган. Бошқа томондан аксарият мутахассислар марказлаштиришни коррупция даражасининг пастлиги кафолати деб ҳисобламайдилар.
- Бешинчидан, географик омилларнинг ролини (ҳокимиётни марказлаштириш омили билан биргаликда) айнан Рим империяси мисолида аниқ ва яққол кўрсатиш мумкин. Мамлакат бошқарувининг катта қисми муқаррар равишда маҳаллий амалдорлар фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишда қийинчиликларга олиб келади(Николай Гоголнинг “Ревизор” комедиясини эсланг). Бундан ташқари, табиий ресурслар устида давлат назорати ўрнатилиши (географик омиллардан бири) мансабдор шахслар учун коррупциянинг энг муҳим даромадли соҳаларидан бирини очади.

Шарқ ҳикматларига кўра, коррупция – бу қачонки ҳукумат фуқароларга эмас, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, деганидир. Унинг кўринишлари турлича бўлиши мумкин: пораҳўрлик, товламачилик, фирибгарлик, непотизм ва ҳ.к. умумий қилиб айтганда, ҳаммаси ҳам – жиноят! Пора олган ҳам, порани берган ҳам жавобгар шахсдир. Икки томон ҳам тенг жазога лойик.

Пораҳўрлик бу давлат тизимини барбод қиласиган касаллик. Агар бугун бу иллатга қарши кескин ва аёвсиз кураш бошланмаса, ҳуқук-тартибот, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларида келажакда фаолият бошлайдиган ёш авлоднинг қалби жароҳатланади, онги заҳарланади. Давлат иқтисоди, таълим ва фан ривожи ҳамда миллат буюклигию, келажаги улкан хавф остида қолиб кетади.

Атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларни кузатар эканмиз, беихтиёр товламачилик, ўғрилик, пораҳўрлик, фаҳш, ёлғон, ғийбат, зўравонлику – буларнинг ҳаммасига йўл қўяётган, уларга лоқайдлик билан чидағ келаётган, ўз ҳаракатимиз ёки ҳаракатсизлигимиз билан уларни рағбатлантираётган биз ўзимиз эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш учун фақат жиноятга мойил одамлар билан эмас, балки жиноят қурбони бўлишга мойил одамлар билан ҳам иш олиб борилиши керақдир, балки?!

Бугунги кунда коррупция муаммоси, унинг турли кўринишларига ва тарқалишига қарши курашишни амалда бажариш Ўзбекистон Республикаси учун ўткир ва муҳим масаладир. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни 2017 йил 4 январда кучга кирди. Ушбу Қонун ва кодексдаги тааллуқли моддаларга мувофиқ жисмоний шахслар томонидан пора бериб ўз томонига оғдириш озодликдан маҳрум қилиш ёки жарималар солиш билан жазоланади.

Пора берувчи кўпинча жазосиз қолади. Агар жазоланса ҳам пора бергани учун эмас, шу пора ёрдамида амалга оширган жиноий иши учун жазоланади. Бу ҳол, ҳатто, тилимизда ҳам ўз аксини топган: пора оловчини “пораҳўр”, “таъмагир” каби сўзлар билан атаймиз. Пора берувчи учун эса алоҳида атама сўз йўқ!

Бугун пора беришнинг пора олиш жиноятидек қонуний жавобгарликка эга бўлгани қисман бўлсада бундай жиноятларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракат. Аслида пора бериш жинояти бирламчи ўринда туриши керак, ҳоланки, пора берувчи пора оловчини рағбатлантиради ва жиноят қилиши учун унга шароит яратиб беради.

Ҳар иккиси ҳам жиноят йўлига кирганини билади, лекин улар инсонийликни, қонуни ҳурмат қилмаганларидек, виждонни ҳам бир пулга олмайдилар. Бу қусурнинг туб илдизида эса



дангасалик, ишёқмаслик ва нодонлик эмас, жоҳиллик, худбинлик ва бошқа ёвуз ниятлар ётади. Масалан, пора билан нуфузли олийгоҳга кириб, уни ўқиб битирган одам, энг аввало, қандай бўлса ҳам сарфлаган пулларини бирга юз қилиб чиқариб олишга ҳаракат қиласи. Маданият ривожланган давлатларда эса одамлар ўз ҳақ-хукукларини талаб қилиб, йиллаб судларга қатнайдилар. Чунки улар учун қадр-қиммат нархи пулдан юқори туради.

Порасиз иш битириш учун бизга нималар етишмайди?

Аввало, бунинг учун бизга хукуқий билим камлик қиласи. Олий маълумотли, катта лавозимларда ишлаётган одамлардан сўраб кўринг-чи: жиноят, фуқаролик ва бошқа кодексларнинг нечта моддасини айтиб бера оларкин?! Умрида бирор марта хукукини ҳимоя қилиб, судда иштирок этганмикин? Исталган юқори ташкилотга ўз фикрини баён қилиб, хат ёза олармикин?

Китоб дўконларни айланиб кўрамиз: қонунларимиз акс этган, уларни маҳсус тайёргарликсиз ўқиб, тушуниб олса бўладиган тилда баён қилинган китоблар етарличами?

Яна поранинг шундай ниқоблари борки, унда жиноят белгилари жуда чуқур яширинган бўлади. Поранинг совға-салом, хизмат ҳақи, миннатдорлик белгиси каби қобиқларга ўралиб келишидан баъзан унда жиноят мавжудлигини аниқлаш қийин кечади.

Сиз ўз хукуқингизни ҳимоя қилишга эриниб, ёки уни ноқонуний тарзда ҳимоя қилиниши мумкинлигига ишонмай, ишингизни осон ва тезроқ битиришни кўзлаб, пора бериш йўлини тутдингизми, демак, сиз адолат норвонининг битта поясини синдиридингиз, янаям аникрофи, сиз қонунийлик учун кураётганларга улар эришадиган ғалабаси кечикирилишига сабаб бўлдингиз... Огоҳ бўлинг!

Давлатимизни парокандилик, товламачилик ва порахўрлик иллатларига биргаликда қарши турмасак, бу иллат жамиятимизни ич-ичидан емира бошлайди. Мамлакатимиз аҳолисининг ҳалол меҳнати, ёшларнинг мashaққат билан эгаллаётган билимини Биз қадрлайлик. Атромиздаги кишиларни ўз йўлида тўғри ва виждонли бўлишга ундейлик. Чунки биз барчамиз КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, “Халқ сўзи” 2017 й, 2(6696)-сони.
- “Коррупция – тараққиётга, хавфсизликка таҳдиддир”, <http://uza.uz/oz/society/korruptsiya-tara-yetga-khavfsizlikka-ta-diddir-07-12-2018>
- Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (њью-йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида ЎРҚ, 2008 йил 24 июнь
- Ўзбекистон Республикасининг **коррупцияга қарши курашиш тўғрисида** қонуни, 2016 йил 24 ноябрь
- Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усувлари, <https://clck.ru/PaB3p>

